

“Тасдиқлайман”
Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Ягона
буюртмачи хизмати” ИК директори ва
танлов комиссияси раиси



Р.У. Кучкаров

“23” 02 2022 й.

**Энг яхши таклифни танлаш бўйича
харид қилиш ҳужжатлари**
(Транспорт ва йўл қурилиши объектлари учун)

1. Танлов ўтказиш услуги	Балл услуги (Энг яхши таклиф танлови учун иштирокчилар томонидан электрон тарзда https://etender.uzex.uz/ портали орқали тақдим қилинган ҳужжатларнинг техник ва нарх қисмлари комиссия аъзолари томонидан сифат ва ишончилиги ўрганилиб баҳоланади, энг юқори балл тўплаган иштирокчи ғолиб бўлади.
2. Иштирокчилар томонидан таклифларни қабул қилиш муддати	Ушбу эълон порталга жойлаштирилган кундан бошланиб, порталда тугаши белгиланган сана ва вақтгача.
3. Танлаш ҳужжатларини тайёрлаш тили	Ўзбек ва рус тилларида
4. Боғланиш учун алоқа маълумотлари	Тошкент шаҳар ҳокимияти “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси БРБЛ ва ТХРОТ бўлими бошлиғи Ш. И. Қодиров +998 71 239 46 84
5. Буюртмачи манзили	Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, И. Каримов кўчаси 16А уй.

Асосий талаблар

Т/р	Талаб номи	Тасдиқловчи ҳужжат
1	Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлигининг йўлларни лойихалаш учун берилган лицензияси мавжудлиги.	Лицензия нусхаси
2	Ташкилотнинг Давлат идоралари рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома мавжудлиги	Гувоҳнома нусхаси
3	Камида 10 ходимнинг 5 йилдан кам бўлмаган тажрибага эгаллиги. (Ф.И.Ш. шундан лойиха бош муҳандислари ва муҳандислар сони ҳамда иш тажрибаси (йил) ҳақида тўлиқ маълумот, QR коди, буйруқдан нусхаси, дипломи ва меҳнат дафтарчаси билан.)	Маълумотнома QR коди билан
4	Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари (Давлат солиқ қўмитасидан маълумотнома)	Давлат солиқ қўмитасидан маълумотнома
5	Лойиха ишлаб чиқиш учун зарур бўлган асбоб-анжомлар, топографик съёмкаларни бажарувчи анжомлар ва компютер техникалари мавжудлиги (тасдиқловчи ҳужжатлари билан)	Анжомларнинг тўлиқ рўйхати, йили, сони, марка модели рўйхати
6	Объектни жойига чиқиб кўрилганлиги ва ишларни ўз вақтида топшириш тўғрисида кафолат хати (объект мавжуд ҳолатидан фотосуратлар илова қилинсин)	Кафолат хати
7	Солиқ органидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома мавжудлиги	Маълумотнома (олинганига бир ойдан ошмаган бўлиши керак)
8	Банқдан картотека мавжуд эмаслиги ҳақида асл нусхада маълумотнома	Маълумотнома (олинганига бир ойдан ошмаган бўлиши керак)
9	Лойиха – қидирув ишларини олиб бориш муддати (асословчи ҳужжатлар билан)	умумий ишлаб чиқиш графиги
10	Танлов объектига ўхшаш давлат буюртмачилигидаги объектларда охириги уч йиллик иш тажрибаси (Экспертиза хулосалари)	асословчи ҳужжатлар
11	Танлов иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича кафолат хатининг мавжудлиги	Кафолат хати

Лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда талаб этиладиган талаблар.

Лойиха ҳужжатларини ишлаб чиқишда мавжуд автомобил йўлини механик ва лобаратория усулида диагностика қилиш ҳамда координат нуқталарини, йўл отметкасини топогеодезик харитага кўчириб ўтказиш йўли билан, йўл асосини мустаҳкамлиги бўйича хулоса тақдим этиш.

Таклифни расмийлаштиришга доир талаблар.

Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда <https://etender.uzex.uz/> порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

Таклифларни баҳолаш меъзонлари ва кўриб чиқиш тартиби.

Иштирокчилар қўйилган талаблар учун тақдим қилган ҳужжатларига, яъни техник қисмнинг миқдорий кўрсаткичлари ва нарх қисмининг миқдорий кўрсаткичлари учун умумий 100 балл тўплашлари мумкин.

Эслатма: Техник қисмдаги бирорта талабга жавоб бера олмаган иштирокчилар танловдан дисквалификация қилинади.

Ижрочилар билан ҳисоб-китоб тартиби.

Ғолиб билан ҳисоб-китоб миллий валюта(сўм)да амалга оширилади. Танлов ғолибига шартнома қиймати бир миллиард сўмгача бўлса 30%, ундан юқори бўлган тақдирда 15% (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 мартдаги 139-сонли қарорига асосан) миқдорда олдиндан тўлов ўтказиб берилади. Қолган маблағ ғолиб лойиҳа ташкилоти томонидан лойиҳа-смета ҳужжатлари тўлиқ ишлаб чиқилиб 3 нусхада ва электрон шаклда буюртмачига тақдим қилиб, экспертиза хулосаси олинганидан сўнг ўтказиб берилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
“Ягона буюртмачи хизмати” ИК

Бош муҳандис в.б.

С. Сагдиев

БРБЛ ва ТХРОТ бўлим бошлиғи

Ш. Қодиров

БРБЛ ва ТХРОТ бўлими 1-тоифали мутахассиси

М. Холмаматова